



## **XALQ DEPUTATLARI SAMARQAND VILOYATI KENGASHINING QARORI**

2022 - yil 10 - aprel

VI-61-76-7-0-K/22

Samarqand viloyat hokimligi

**Меҳмонхона (жойлаштириш), савдо, умумий овқатланиш, кўнгилочар, туроператор ва турагент хизматларини кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари учун махсус солиқ режими жорий этиладиган Ургут тумани туризм ҳудудлари чегаларини белгилаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 январдаги “Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-104-сонли қарорининг 1-иловасига асосан Самарқанд вилоятининг Ургут туманида меҳмонхона (жойлаштириш), савдо, умумий овқатланиш, кўнгилочар, туроператор ва турагент хизматларини кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари учун махсус солиқ режими жорий этилиши белгиланган.

Юқоридагиларга ҳамда вилоят ҳокимининг ўринбосари Р.Қобиловнинг билдиргиси, вилоят Туризм ва спорт бош бошқармаси ҳамда вилоят Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармасининг биргаликдаги хулосасига асосланиб, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг олтинчи чақирик, олтинчи биринчи сессияси

### **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 январдаги “Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-104-сонли қарорининг 1-иловасига мувофиқ Ургут туманида меҳмонхона (жойлаштириш), савдо, умумий овқатланиш, кўнгилочар, туроператор ва турагент хизматларини кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари учун махсус солиқ режими жорий этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ургут тумандаги меҳмонхона (жойлаштириш), савдо, умумий

овқатланиш, кўнгилочар, туроператор ва турагент хизматларини кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари учун махсус солиқ режими жорий этиладиган туризм ҳудудлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Туризм ва спорт бош бошқармаси (Д.Нарзикулов), вилоят қурилиш Бош бошқармаси (Л.Ҳамидов) ва Ургут тумани ҳокимлиги (Б.Жабборов) бир ҳафта муддатда туризм ҳудудларининг салоҳиятидан келиб чиқиб уларда ривожлантириш мумкин бўлган туризм йўналишларига (эко, агро, гастронмик, пляж ва бошқалар) алоҳида эътибор берган ҳолда ривожлантириладиган туризм йўналишларини белгиласин ва мастер-режаларини ишлаб чиқиш бўйича техник топшириқларни тайёрласин.

4. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (А.Шукуров), вилоят Қурилиш бош бошқармаси (Л.Ҳамидов), “ЎзГАШКЛИТИ” ДУК Самарқанд филиали (Т.Норчаев) ҳудудларнинг мастер-режаларини ишлаб чиқиш учун тегишли ҳужжатларни шакллантирсин ва туризм ҳудудларининг топографик суратларини тайёрласин.

5. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Ж.Ураков), вилоят молия Бош бошқармаси (Б.Мирзаев), вилоят Давлат солиқ бошқармаси (А.Инагамов), Ургут туман ҳокими (Б.Жабборов) мазкур қарорга асосан жорий этиладиган махсус солиқ режими бўйича қўлланиладиган солиқ ставкаларини тегишли ҳудудда жорий этилишини таъминласин.

6. Вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари – матбуот котиби (М.Мирзаев), вилоят ҳокимлиги “Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази” (А.Анваров) ушбу қарорни оммавий ахборот воситаларида чоп этилиши ҳамда вилоят ҳокимлиги расмий веб-сайтига жойлаштирилишини таъминласин.

7. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Ж.Ураков) ва халқ депутатлари вилоят Кенгашининг маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси (Ф.Насруллаев) зиммасига юклатилсин.

8. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Кенгаш раиси



Э.Турдимов

Xalq deputatlari Samarqand viloyat  
Kengashining  
2022 yil 10 apreldagi  
VI-61-76-7-0-K/22-son qaroriga  
1-ilova

**Меҳмонхона (жойлаштириш воситалари), савдо, умумий овқатланиш,  
кўнгилочар, туроператор ва турагент хизматларини кўрсатаётган  
тадбиркорлик субъектлари учун махсус солиқ режими жорий этиладиган  
тумандаги туризм ҳудудлари  
РЎЙХАТИ**

Т/р	Туман номи	Ҳудуд (МФЙ) номи
1	Ургут тумани	“Кенагас” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудуди
2	Ургут тумани	“Бахрин” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудуди
3	Ургут тумани	“Бешкон” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудуди
4	Ургут тумани	“Қоратепа” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудуди
5	Ургут тумани	“Ипак Йўли” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудуди
6	Ургут тумани	“Терсак” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудуди
7	Ургут тумани	“Омонқўтон” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудуди
8	Ургут тумани	“Чор-Чинор” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудуди
9	Ургут тумани	“Сўфиён” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудуди
10	Ургут тумани	“Етти уйлик” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудуди
11	Ургут тумани	“Хўжайдук” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудуди